ОЛИМА, ШОИРА, УСТОЗ



Андижон давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳанифахон Солиҳова 1939 йил 20 июнда Хитой Халқ республикасининг Ғулжа шаҳрида таваллуд топган. 1952-1954 йилларда Шинжон давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган, сўнг Фанлар Академиясининг Шинжон бўлимида илмий ходим бўлиб ишлаган. Оиласи билан Ўзбекистонга кўчиб келишгач, ўқишини аввал САГУда, сўнг Андижон давлат педагогика институтида (ҳозирги Андижон давлат университети) давом эттириб, уни 1967 йилда тамомлаган. Ҳ.Солиҳованинг кейинги педагоглик ва илмий-ижодий фаолияти шу даргоҳда кечди. У 1967-1976 йилларда кафедрада ўқитувчи-ассистент, сўнг катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлади. 1996-2004 йилларда ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимида самарали фаолият олиб борди.

Ҳанифахон Солиҳова бу йиллар давомида илмий тадқиқот ишлари ҳамда бадиий ижод билан ҳам шуғулланди. 1977 йилда XX аср адабиётида демократик адабиёт анъаналари масалаларига бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1995 йилда “Уйғур достончилиги тараққиётида Алишер Навоий “Хамса” достонларининг ўрни” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳ.Солиҳова 2004 йилдан ўзбек адабиёти кафедраси профессоридир.

У устоз сифатида кафедрада ёш ўқитувчилар, магистр, аспирант ва тадқиқотчилардан илмий маслаҳатларини аямайди, ўзининг ҳаёт тажрибаларини улар билан ўртоқлашади, ҳар йили илмий тадқиқотчи ва магистрларга раҳбарлик қилади. Ҳ.Солиҳованинг Уйғур автоном республикаси адабий-илмий жамоатчилиги билан алоқалари мустақиллик йилларида янада ривожланди. Хорижда яшаган ўзбек шоирлари ижодини ўрганишга бағишланган тадқиқотларга, диссертацияларга Ҳ.Солиҳова мунтазам равишда ўз муносабатини билдириб, тақризлари билан қатнашиб келмоқда. Ўзбекистондаги уйғур тадқиқотчилари ҳамда ижодкорлари Ҳ.Солиҳова билан доимий илмий-ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Уйғур тадқиқотчиларидан Турсун Қурбон, Ҳурмат Абдураҳмоновлар ўз тадқиқотларида устознинг монографиялари, мақолаларига мурожаат қилганлар.

Ҳанифа Солиҳова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг бадиий ижод соҳасидаги изланишларининг самараси сифатида “Севги сирлари” (1971), “Кўнгил пиёласи” (1975), “Муродим” (1978), “Юлдузлар кулганда” (1978), “Қўмсаш” (1985), “Диёрга таъзим” (1985), “Баҳорим менинг” (1987), “Қуёшни севаман” (1989), “Камалак висоли” (1998), “Қуёш маликаси” (1999), “Жаҳонда муборак номимиз улуғ”(2009), “Шайдоингман, Ватан” (2009) каби шеърий тўпламлари чоп этилди. Бу тўпламлар уйғур ва ўзбек тилларида нашр этилган. Унинг “Фурқат Ёркентда”, “Занжири бегим ифорлари” ва “Садоқатли сарвинозлар” каби достонлари ҳам халқ орасида севиб ўқилмоқда.

Бадиий ижод билан шуғулланиш ҳамда доимий илмий изланишда бўлиш билан бирга Ҳ.Солиҳова жамоатчилик ишларида ҳам фаолдир. Ҳукуматимиз томонидан берилган топшириқларни масъулият билан бажараётганлиги учун у Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳайъатининг вилоят босқичида адабиёт йўналиши раиси вазифасига тайинланган. Ҳ.Солиҳованинг “Фаол аёллар” республика кўрик-танлови совриндори бўлгани бежиз эмас: у “Олима аёллар” уюшмаси, “Ижодкор аёллар уюшмаси”, “Республика Байналмилал маркази”, вилоят “Уйғур маданият маркази” аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳ.Солиҳова республика ва вилоят, МДҲ давлатларида ўтказилган халқаро конференцияларда ўзининг илмий маърузалари билан қатнашиб, турли институт ва университетларнинг олимлари билан илмий ва адабий алоқалар ўрнатган. Ҳанифа Солиҳова бир нечта илмий рисолалар ва ўқув қўлланмалари муаллифи. Унинг “Ҳуррият куйчиси”, “Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари адабиёти”, “Туркистон халқлари адабиёти очерклари”, “Поэзия рождённая революцией» (1987) ҳамда Алишер Навоий ижодига бағишланган “Уйғур насрий тараққиётида Алишер Навоий “Хамса” достонларининг ўрни”, “Алишер Навоий издошлари”, “Алишер Навоий ва Низорий”, “Алишер Навоий ва Ҳирқатий”, “Алишер Навоий ва уйғур адабиёти” каби монографик асарлари чоп этилган.

Олиманинг “Алишер Навоий издошлари” асари навоийшуносликнинг янги қирраларини очиб берди. Ўзбек фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган ушбу асар ўзбек мумтоз адабиётининг хориждаги халқлар адабиёти ривожидаги ўрнини Навоий даҳосининг таъсири мисолида кўрсатиб берганлиги билан қимматлидир.

Ҳанифа Солиҳованинг педагоглик ва илмий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган: олима вилоят ва республикамиз миқёсида берилган қатор фахрий ёрлиқлар, Халқ таълими ва Олий таълим аълочиси кўкрак нишонлари, “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Шоира ва олима, мураббий ва жамоатчи, уйғур ва ўзбек адабий алоқаларининг моҳир тадқиқотчиси Ҳ.Солиҳовага 70 йиллик тўйи арафасида мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий бахт, илм-фан ва жамият тараққиёти йўлидаги фаолиятида зафарлар тилаймиз.

Дилдора Абдуллаева,
филология фанлари номзоди